

ТЕХНИК ЧИГИТ

Техникавий шартлар

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

СЕМЕНА ХЛОПЧАТНИКА ТЕХНИЧЕСКИЕ

Технические условия


Издание официальное

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги



ТЕХНИК ЧИГИТ
Техникавий шартлар

Расмий нашр



Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 "PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI" акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

2 Стандартлаштириш бўйича "Пахта" Техник қўмитаси томонидан ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) нинг 10.10.2019 № 05 - 575 сонли қарори билан ТАСДИҚЛАНДИ ВА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

4 O'z DSt 596:2009 ЎРНИГА ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ушбу стандартни ва унга бўлган ўзгаришларни Ўзбекистон ҳудудида жорий этиши ҳақидаги ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичида чоп этилади. Ушбу стандартни қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш ҳақидаги мувофиқ ахборот "Ўзстандарт" агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида чоп этилади

Ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи "Ўзстандарт" агентлигига тегишли



ТЕХНИК ЧИГИТ
Техникавий шартлар

СЕМЕНА ХЛОПЧАТНИКА ТЕХНИЧЕСКИЕ
Технические условия

CULL COTTON SEEDS
Technical conditions

Жорий этиш санаси 2014 / 0 - / 0

1 Қўлланиш доираси

Ушбу стандарт ёғ-мой саноати корхоналарида қайта ишлаб чиқариш учун келтириладиган линтерланган ва жинланган техник чигитига (кейинчалик матнда – чигит) жорий қилинади.

Стандарт талаблари мажбурий ва сертификатлаштириш мақсадлари учун яроклидир.

2 Меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга қилинган ҳаволалардан фойдаланилган:


ГОСТ 12.1.044 – 89 Система стандартов безопасности труда. Пожаровзрывобезопасность веществ и материалов. Номенклатура показателей и методы их определения

ГОСТ 19433-88 Грузы опасные. Классификация и маркировка

O'z DSt 581:2002 Пахтани қайта ишлаш. Атамалар ва таърифлар

O'z DSt 597:2008 Техник чигит. Нуқсонли чигитнинг массавий

Расмий нашр



улушини аниқлаш усули

O'z DSt 598:2008 Техник чигит. Намуна танлаб олиш усуллари

O'z DSt 599:2008 Техник чигит. Минерал ва органик аралашмаларнинг массавий улушини аниқлаш усули

O'z DSt 600:2008 Техник чигит. Намликнинг массавий улушини аниқлаш усуллари

O'z DSt 601:2008 Техник чигит. Чигит тукдорлигини аниқлаш усуллари

O'z DSt 602:2008 Техник чигит. Ёғдорликни аниқлаш усуллари

O'z DSt 603:2008 Техник чигит. Чигитдаги ёғ кислотасининг сонини аниқлаш усули

Изоҳ – Ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида жорий йилнинг 1- январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартлар (классификаторлар) кўрсаткичлари ҳамда жорий йилда чоп этилган ахборотли кўрсаткичлари бўйича ҳавола қилинаётган стандартларни (ва классификаторларни) Ўзбекистон ҳудудида амал қилиши текширилиши керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, унда ушбу стандартдан фойдаланиш чоғида алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш керак. Агарда ҳавола қилинаётган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, унга ҳавола қилинган қоида ушбу ҳаволага даҳддор бўлмаган қисмида қўлланилади.

3 Атамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда O'z DSt 581 бўйича атамалар қўлланилади.

4 Техник талаблар

4.1 Техник чигит, таркибидаги нуқсонли чигитнинг массавий улушига қараб тўртта саноат навига бўлинади: I, II, III, IV.

I ва II навлардаги линтерланган техник чигит тукдорликнинг массавий улушига қараб 1, 2, 3 синфларга бўлинади.

4.2 Сифат кўрсаткичлари бўйича линтерланган техник чигит 1-жадвалда кўрсатилган талабларга, жинланган техник чигит эса 2-жадвалда кўрсатилган талабларга мос келиши керак. Линтерланган ва жинланган техник чигит кесимидаги мағзининг ранги бўйича 3-жадвалда кўрсатилган талабларга мос келиши керак.

1-жадвал

Чигит нави	Нуксонли чигитнинг массавий улуши, %, кўпи билан	Чигит синфи	Намликнинг массавий улуши, %, кўпи билан (чегаравий)	Тукдорликнинг массавий улуши, % (базавий)		
				Ўзанинг ўртатолали навлари	Ўзанинг узун-толали навлари	
I	1,5	1	8,0	Кўпи билан	7,0	2,0 - 6,5
		2	10,0	Кўпи билан	9,0	-
		3	10,0	Кўпи билан	10,5	-
II	3,0	1	9,0	Кўпи билан	8,0	3,0-7,5
		2	11,0	Кўпи билан	9,0	-
		3	11,0	Кўпи билан	10,5	-
III	11,0	-	12,0	7,0 - 11,0		4,0 - 8,5
IV	33,0	-	13,0	8,0 - 13,0		4,5 - 9,0

2-жадвал

Чигит нави	Нуксонли чигитнинг массавий улуши, %, кўпи билан	Намликнинг массавий улуши, %, кўпи билан (чегаравий)	Ўзанинг ўртатолали навлари учун тукдорликнинг массавий улуши, %
I	1,5	10,0	10,5-13,0
II	3,0	11,0	10,5-14,0
III	11,0	12,0	11,0-15,0
IV	33,0	13,0	13,0-16,0

3-жадвал

Чигит нави	Чигит кесимидаги мағизнинг ранги
I	Ўзанинг селекция навига қараб салгина яшил ёки бошқа ранг аралашган оқ-сарик рангли
II	Ўзанинг селекция навига қараб салгина бошқа ранглар аралашган оқ-сарик рангли
III	Турлича оч ранглар аралашган кул ранг оқ-сарик рангдан то оч сарик ранггача
IV	Сарик рангдан то оч жигар ранггача

4.3 Чигитнинг кондицион массасини аниқлашнинг ҳисоб-китоб меъёрлари қуйидаги қийматларга мувофиқ бўлиши керак:

- намликнинг вазний улуши –10 %;
- минерал ва органик аралашмаларнинг вазний улуши – 0,5 %

4.4 Чигитдаги токсинлар, микотоксинлар ва пестицидлар қолдиқларининг миқдори [1] белгиланган меъёрдан ошмаслиги керак.

4.5 Тавсия қилинадиган қўшимча талаблар:

- чигитнинг ёғдорлиги - 20,0 % ва ундан кўп;
- чигитдаги ёғнинг кислота сони - қўпи билан 3 mg KOH/g;
- чигитдаги намликнинг массавий улуши - қўпи билан 8 %.

Бу кўрсаткичларнинг зарурлиги, аниқ қийматларнинг даражаси, чигит қабул қилиш ва уни навлари бўйича қўшимча ҳақ тўлаш шарт-шароитлари чигитни етказиб бериш бўйича шартнома тузилгандан сўнг, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг ўзаро келишувига биноан ўрнатилади.

4.6 Сифат бўйича илова қилинган ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- пахта заводининг номи ва манзилгоҳи;
- ғўзанинг селекция нави ва қайта ишлаш тури (линтерланган ёки жинланган);
- тўда рақами;
- бу тўданинг ҳақиқий ва кондицион массаси, kg;
- чигитнинг саноат нави;
- линтерланган чигитнинг синфи (I ва II навлар учун);
- синаш натижалари: нуқсонли чигитнинг массавий улуши, намликнинг массавий улуши, минерал ва органик аралашмаларнинг массавий улуши, тукдорликнинг массавий улуши;
- чигитнинг жўнатилиш санаси (кун, ой, йил);
- ушбу стандартнинг белгиланиши.

5 Ҳавфсизлик ва атроф - мухитни муҳофаза қилиш талаблари

5.1 ГОСТ 19433 таснифи бўйича чигит хавфли юк ҳисобланмайди.

5.2 Чигит таркибидаги госсипол табиий токсин ҳисобланади. Детоксикацияланмаган (саноат шароитларида қайта ишланмаган) чигитдан

олинадиган маҳсулотлар истеъмолга ва чорвачиликда озукка ем сифатида ишлатилишига йўл қўйилмайди.

5.3 ГОСТ 12.1.044 бўйича чигит учинчи гуруҳ ёнувчи воситаларга киради.

Ўт ўчириш воситалари – сув, кум, карбонат ангидрид гази.

5.4 Чигит атроф-муҳитга хавф туғдирмайди.

6 Қабул қилиш қоидалари

6.1 Чигит тўдалар бўйича қабул қилиб олинади. Сифат бўйича бир хил бўлган бир селекцион ва саноат нави, ҳамда синфга мансуб бўлган сифат бўйича битта хужжат билан расмийлаштирилган чигитнинг миқдори тўда ҳисобланади.

Тўдадаги чигитнинг миқдори қуйидагича чегараланади:

- темир йўл транспортида жўнатилаётганда битта вагон билан;
- бир сақлаш жойидан сутка давомида автомашиналарда ташилгандаги чигитнинг миқдори билан;
- ишлаб чиқарилаётган жойдан сутка давомида транспортёрларда ташиб келинган чигитнинг миқдори билан.

6.2 Чигитни сифати бўйича қабул қилиб олиш

6.2.1 Тўданинг сифати бирлаштирилган намунадан ажратиб олинган, массаси 2 kg атрофида бўлган ўртача намуна тахлилининг натижалари 4 бўлим талабларга мувофиқ бўйича белгиланади.

Синаш натижалари ҳеч бўлмаганда бир кўрсаткич бўйича каноатлантирмаса ҳам, таъминловчи ва истеъмолчининг лаборатория таҳлилларининг натижалари рухсат этилган тафовутдан юқори бўлса, бирлаштирилган намунадан бошқа ўртача синаш учун намуна ажратиб олинади ва чигит шу кўрсаткич бўйича қайта синалади.

Қайта ўтказилган таҳлил натижалари бутун тўдага тегишли бўлади.

6.2.2 Агар линтерланган чигит тукдорлигининг массавий улуши I ва 2-синфлар учун белгиланган меъёрлардан юқори бўлса, чигит тукдорлик бўйича мос келган синфга ўтказилади.

I ва II-навларнинг 3-синфи учун, ҳамда III ва IV навлар учун линтерланган чигитнинг тукдорлиги белгиланган меъёрлардан олинган ҳолларда махсус тартибда нархи пасайтирилади.

U'ZSTANDART
STANDANTLASHTIRISH DAVLAT
KAZGRTU RUVOFIOLASHTIRISH VA
AXBURUQ TEXNOLOGIYALARI
JUBUQ ETI S4 LUG 004JAS'5

6.2.3 Чигит таркибидаги намликнинг массавий улуши чекланган меъёрдан юкори бўлса, унинг баҳоси белгиланган тартибда пасайтирилади.

6.2.4 Чигит таркибидаги пестицидлар миқдори белгиланган меъёрларга номувофик бўлса, уни қабул қилиш ва тўлов шартлари таъминловчи ва истеъмолчининг ўзаро келишуви бўйича ўрнатилади.

6.2.5 4.5 да кўшимча талабларга риоя қилинмаган ҳолларда шартномага биноан таъминловчи истеъмолчи олдида жавобгардир.

6.2.6 Жинланган чигит тукдорлиги 2-жадвалда келтирилган меъёрларга мос келмаса нархи чегирилмайди.

6.3 Чигитни миқдори бўйича қабул қилиб олиш

6.3.1 Чигитнинг тўдаси 4.3 да кўрсатилганидек, намликнинг массавий улуши ҳамда минерал ва органик аралашмаларнинг массавий улуши билан биргаликда келтириб чиқарилган кондицион массаси бўйича қабул қилинади.

Кондицион массаси (M_K) килограммларда қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$M_K = M_\phi \times \frac{100 - (W_\phi + C_\phi)}{100 - (W_\delta + C_\delta)}, \quad (1)$$

бу ерда M_ϕ - тўдадаги чигитнинг ҳақиқий массаси, kg;

W_ϕ - намликнинг ҳақиқий массавий улуши, %;

W_δ - намликнинг 10% га тенг бўлган ҳисобий массавий улуши;

C_ϕ - минерал ва органик аралашмаларнинг ҳақиқий массавий улуши, %;

C_δ - минерал ва органик аралашмаларнинг 0,5 % га тенг бўлган ҳисобий массавий улуши.

6.4 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чигит албатта сертификатлаштирилиши шарт бўлиб ҳар бир тўданинг 4.1, 4.2 ва 4.4 талабларга мувофик синалади.

ЎЗБЕКИСТОН
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
HAZIRATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
KORRAT TEKHNOLOGIYALARINI
JARIY ETISH BO'YICHA

7 Текшириш усуллари

- 7.1 Намуна танлаб олиш – O'z DSt 598 бўйича.
- 7.2 Нуқсонли чигитнинг массавий улушини аниқлаш – O'z DSt 597 бўйича.
- 7.3 Минерал ва органик аралашмаларнинг массавий улушини аниқлаш – O'z DSt 599 бўйича.
- 7.4 Намликнинг массавий улушини аниқлаш – O'z DSt 600 бўйича.
- 7.5 Чигит тукдорлигининг массавий улушини аниқлаш – O'z DSt 601 бўйича.
- 7.6 Чигитнинг ёғдорлигини аниқлаш – O'z DSt 602 бўйича.
- 7.7 Чигитдаги ёғ кислотасининг сонини аниқлаш – O'z DSt 603 бўйича.
- 7.8 Чигитда токсинлар, микотоксинлар ва пестицидлар қолдиқларининг миқдорини аниқлаш, аккредитлаш санитар-гигиена лабораториясида белгиланган тартибда тасдиқланган усуллар асосида амалга оширилади.
- 7.9 Таъминловчи ва истеъмолчининг лаборатория таҳлилларининг натижалари ўртасидаги тафовут текшириш усуллари бўйича меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган кўрсаткичлардан юқори бўлмаслиги керак.


8 Ташиш ва сақлаш

8.1 Чигит тоза, қуруқ, бегона ҳидлардан холи бўлган барча транспорт воситаларида, белгиланган тартибда тасдиқланган ташиш қоидаларига риоя қилган тўқилган ҳолда ташилади.

8.2 Чигит тўқилган ҳолда оморларда актив вентиляция воситалари билан жиҳозланган, айвон тағларида ёки махсус очик майдонларда белгиланган тартибда тасдиқланган сақланишнинг санитария қоида ва шартларига мувофиқ сақланади.

Очиқ майдонларда чигитни 5-10 кунгача бўлган қисқа муддатга сақлашга руҳсат этилади.


8.3 Чигитни сақлашда ва уни транспортга ортишда ўрта толали ва узун толали пахта чигитларининг селекция, саноат навлари ва смфлари, шунингдек намлиги 9,0 % гача бўлган чигитларни намлиги 9,0% дан юқори бўлган чигитлар билан аралашиб кетишига руҳсат этилмайди.



Библиография

- [1] СанПИН РУз № 0283-10 Гигиенические требования к безопасности пищевой продукции

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORAT, N. MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JRGIV ETISH EGSI QARMASI



УЎТ 633.85


O'z DSt 596:2014

СУТ 67.200.20


Мухим сўзлар: стандарт, техник чигит, техникавий шартлар, техник талаблар, қабул қилиш қондалари, кондицион масса, ҳисобий меъёри, тўда, текшириш усуллари, ташиш, сақлаш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
D'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, PAVLAT
NAZORAT N. BUYUQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI


"PAXTASANOAT ILMIY MARKAZI" AJZ
Бош директори

 Д.А. Юлдашов


Бош директорнинг илмий ишлар бўйича
ўринбосари, т.ф.н.

 Б.А. Байханов


Стандартлаштириш ва метрология бўлими
муdiri, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат., и., х.

 А. Ахмедов


Етакчи илмий ходим, т.ф.н.

 Ю.Д. Якубова


Муҳандис

 Л.А. Джунаева

Муҳандис

 О.А. Салимов

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
HAZORAT-HI MUHOFIGI LASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI



Ўзбекистон «Сифат» маркази

Бош директор




X.X.Умарходжаев

Пахта чигитидан фойдаланишни
назорат қилиш бошқармаси бошлиғи



P.K.Разиков

Стандартлаштириш ва метрология
бошқармаси бошлиғи



X.X.Аминов

Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш
ва метрология бўлими бошлиғи



C.A.Иминова

Стандартлаштириш бўйича инженер



H.B.Наумова

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORAT-N. NUVOFDOLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JURIY ETISH EGSI-QARIMASI

**О'з DSt 604:2001 Пахта толаси. Техникавий шартлар 4-сонли
ЎЗГАРТИРИШ**




Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 03.08.2012 № 05-398 сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди.

Жорий этиш санаси 03.08.2012

6.5 -банд. Қуйидаги тахрирда баён этилсин:


"6.5 Пахта толаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида албатта сертификатлаштирилиши шарт бўлиб, ҳар бир тўданинг 100% тойлари 1-жадвалдаги номенклатура бўйича HVI тизимида синалади.

1-жадвалга асосан сертификатлашни классер усулида амалга оширишга руҳсат этилади."




О'z DSt 604:2001 4-сонли ЎЗГАРТИРИШ

("PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI"
ОАЖ бош директори



Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича
ўринбосари, т.ф.н.



Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими
муdiri, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х.



А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.



Ю.Д. Якубова

Кичик илмий ходим




Л. Джунаева

STANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
RUVOFIOLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHOARMASI

О'з DSt 604:2001 3-сонли ЎЗГАРТИРИШ Пахта толаси. Техникавий шартлар

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлигининг 2011 йил 19.08. № 05-326 сонли қарори билан тасдиқланди ва амалга киритилди

Киритилиш санаси 01.09.2011



Стандартнинг амал қилиш муддати 2016–09–01 гача узайтирилсин.
2-бўлим. Қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"2 Меъёрий ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга қилинган ҳаволалардан фойдаланилди:

О'з DSt 614:2009 Пахта толаси. Намуна танлаб олиш усуллари

О'з DSt 618:2009 Пахта толаси. Пишиб етилганликни аниқлаш усуллари

О'з DSt 619:2009 Пахта толаси. Солиштирма узилиш кучини аниқлаш усуллари

О'з DSt 620:2009 Пахта толаси. Чизикли зичлик ва микронеёр кўрсаткичини аниқлаш усуллари

О'з DSt 629:2010 Пахта толаси. Ранги ва ташқи кўринишини аниқлаш усуллари

О'з DSt 632:2010 Пахта толаси. Нуксонлар ва ифлос аралашмалар массавий улушини аниқлаш усуллари

О'з DSt 633:2010 Пахта толаси. Узунликни аниқлаш усуллари

О'з DSt 634:2010 Пахта толаси. Намликнинг массавий нисбатини аниқлаш усуллари

О'з DSt 841:2011 Пахта толаси, пахта момиғи, пахта тозалаш корхоналарининг улюк аралашган чиқиндилари ва пахтанинг калта момиғи аралашган чиқиндилари. Жойлаб ўраш, марқалаш, ташиш ва сақлаш



О'z DSt 604:2001 3-сонли ЎЗГАРТИРИШ

"PAHTASANOAT ILMIY MARKAZI"
ОАЖ бош директори

Б.Я. Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича
ўринбосари, т.ф.н.

Р.А. Гуляев

Стандартлаштириш ва метрология бўлими
мудири, СБТ бошлиғи, т.ф.н., кат.,и.,х.

А.А. Ахмедов

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.

Ю.Д. Якубова

ЎЗБЕКИСТОН
STANDARTI AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSQIHI

О'з DSt 604:2001 Пахта толаси. Техникавий шартлар №2 ЎЗГАРТИШ

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлигининг 2006-07-24 № 05-сонли қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди

Жорий этиш санаси 2006-08-01

Мундарижа. "Меъёрий ҳаволалар" сўзлари "Меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар" сўзларига алмаштирилсин.

"Қабул қилиш шарти" сўзлари "Қабул қилиш қоидалари" сўзларига алмаштирилсин.

"А Илова" сўзлари "А илова (маълумот берадиган)" сўзларига, "Б Илова" сўзлари "В илова (мажбурий)" сўзларига, "В Илова" сўзлари "С илова (маълумот берадиган)" сўзларига алмаштирилсин.

Стандартнинг амал қилиш муддати 2011-09-01 гача узайтирилсин.

Стандартнинг матни бўйича барча "мм", "гс/текс", "сН/текс", "мтекс", "кг" физик катталиклар бирликларининг белгиланишлари "mm", "gf/tex", "cN/tex", "mtex", "kg" белгиланишларга тегишлича алмаштирилсин.

2 бўлим. Бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Меъёрий ҳужжатларга ҳаволалар".

"Ўз РСТ 614-94", "Ўз РСТ 618-94", "Ўз РСТ 619-94", "Ўз РСТ 620-94", "Ўз РСТ 629-95", "Ўз РСТ 632-95", "Ўз РСТ 633-95", "Ўз РСТ 634-95", "Ўз РСТ 841-97" белгиланишлари "O'z DSt 614:1994", "O'z DSt 618:1994", "O'z DSt 619:1994", "O'z DSt 620:1994", "O'z DSt 629:1995", "O'z DSt 632:1995", "O'z DSt 633:1995", "O'z DSt 634:1995", "O'z DSt 841:1997" белгиланишларига тегишлича алмаштирилсин.

3 бўлим. Олтинчи хат боши. "кам намуна" сўзлари "кичик намуна" сўзларига алмаштирилсин.

Саккизинчи хат боши. Иккинчи гап ўчирилсин.

Тўққизинчи хат боши. "тортилган" сўзи "тахланган" сўзига алмаштирилсин.

5 бўлим. 5.1.3 банд. "Б илованинг Б.1 жадвалида" сўзлари "В илованинг В.1 жадвалида" сўзларига алмаштирилсин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
992 son bilan
№ 24 07 2006 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

5.2.3 банд. "таърифлари" сўзи "таърифлари" сўзига, "Б илованинг Б.2 жадвалида" сўзлари "В илованинг В.2 жадвалида" сўзларига алмаштирилсин.

5.3.1 банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5.3.1 Пахта толаси нуқсонлари ва ифлос аралашмаларнинг микдорига кўра ўзининг ҳар бир навига қараб, В иловадаги В.3 жадвалда кўрсатилган меъёрларга ва белгиланган тартибда тасдиқланган ташқи кўриниш намуналарига мувофиқ Олий, Яхши, Ўрта, Оддий ва Ифлос синфларга бўлинади."

5.6 банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5.6 Пахта толасидаги ширадорликнинг мавжудлиги С иловадаги [2] бўйича синашларнинг методикаларида кўрсатилган меъёрлардан ошмаслиги керак."

5.7 банд. "Ўз РСТ" индекси "O'z DSt" индексга алмаштирилсин.

6 бўлим. Бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"6 Қабул қилиш коидалари"

6.3 банд. Формуладаги M_{ϕ} , $W_{\text{н}}$, ва W_{ϕ} белгиланишлари тегишлича $M_{\text{х}}$, $W_{\text{н}}$, ва $W_{\text{х}}$ белгиланишларга алмаштирилсин.

7 бўлим. Бўлимнинг матни бўйича "Ўз РСТ" индекси "O'z DSt" индексига алмаштирилсин.

Иккинчи хат боши. "Намуналарни танлаб олиш" сўзлари "Намуна танлаб олиш" сўзларига алмаштирилсин.

Тўртинчи хат боши. "Солиштирма узилиш кучи ва чизикли зичликни аниқлаш" сўзлари "Солиштирма узилиш кучини аниқлаш" сўзларига алмаштирилсин.

Ўнинчи хат боши. "В Иловага" сўзлари "С иловага" сўзларига алмаштирилсин.

Ўн биринчи хат боши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Пахта толасидаги ширадорликнинг мавжудлигини С иловадаги [2] бўйича ўтказилади."

8 бўлим. "Ўз РСТ" индекси "O'z DSt" индексига алмаштирилсин.

А-ИЛОВА. "А-ИЛОВА (маълумотнома)" сўзлари "А илова (маълумот берадиган)" сўзларига алмаштирилсин.

Б ИЛОВА. "Б ИЛОВА" сўзлари "В илова" сўзларига алмаштирилсин.

Б.1-Жадвал. "Б.1-Жадвал" сўзлари "В.1 жадвал" сўзларига алмаштирилсин. Тўртинчи устун. Устуннинг сарлавҳаси. "гс/текс" белгиланиши "cN/tex (gf/tex)" белгиланишларига алмаштирилсин. Иккинчи катор. "29,0 ва ундан ортиқ" сўзлари "28,4 ва ундан ортиқ

О'z DSt 604:2001 № 2 ЎЗГАРТИШ

(29,0 ва ундан ортиқ)" сўзларига алмаштирилсин. Учинчи қатор "23,0-27,0"сўзлари "22,6 - 26,5 (23,0 – 27,0)"сўзларига алмаштирилсин.

Б.2-Жадвал. "Б.2-Жадвал" сўзлари "В.2 жадвал" сўзларига алмаштирилсин.

Б.3-Жадвал. "Б.3-Жадвал" сўзлари "В.3 жадвал" сўзларига алмаштирилсин.

В ИЛОВА. "В ИЛОВА (маълумотнома)" сўзлари "С илова (маълумот берадиган)" сўзларига алмаштирилсин. Биринчидан кейин қуйидаги таҳрирда ҳавола билан тўлдирилсин:

"[2] О'з РН 134:2004 Пахта ва пахта толасининг ширадорлигини баҳолаш методикалари".

Стандартга С иловодан кейин "Муҳим сўзлар" янги варағи киритилсин.

Ў'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI



ЎЎТ 677.21:006.039

М61 туркуми

Муҳим сўзлар: стандарт, пахта толаси, НВИ усули, техникавий шартлар, юқори ўртача узунлик, микронейр, штапел массаузузлиги, чизикли зичлик, солиштирама узилиш кучи, пишиб етилганлик коэффициенти, ранг, ташқи кўриниш, намликнинг массавий нисбати, нуқсонлар ва ифлос аралашмаларнинг массавий улуши, ширадорлик, тип, нав, синф, тўда, кондицион масса, синаш усуллари, ташиш, сақлаш

Ў'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH,
MUVOFIQLASHTIRISH
VA DAVLAT NAZORATI
BOSHQARMASI

О'з DSt 604:2001 № 2 ЎЗГАРТИШ

/"РАХТАТОЗАЛАШ ИШВ" ОАЖ
Бошқаруви раиси

"Пахта" ТК раиси, т.ф.н

"РАХТАТОЗАЛАШ ИШВ" ОАЖ
СБТ бошлиғи, т.ф.н.

Етакчи илмий ходим

Етакчи илмий ходим, т.ф.н.



Р.Ф. Юнусов

В.Г. Ракипов



А.А. Ахмедов

Г.Ё. Рахимбергенова

Ю.Д. Якубова

ЎЗСТАНДАРТ АГЕНТЛИГИ
СТАНДАРТИЛАСHTИРИШ,
МУВОФИҚЛАСHTИРИШ
ВА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ
БОШҚАРМАСИ



Гр. № 61

I-сонли ЎЗГАРТИШ

O'z Dst 604:2001 «Пахта толаси.Техникавий шартлар»


Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) нинг 2004 йил 08 24 05-21- сонли Қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди.

Жорий этиш санаси 2004.08.24

7 бўлим 7.3 банд билан тўлдирилсин:

«7.3 НВИ тизимларида синаш чоғида тўдадаги пахта толасининг типи синовдан ўтган барча тойларнинг тола узунлигини ўртача қиймати бўйича аниқланади. Бир тўдадаги тойлар орасидаги тола узунлигини чекли оғиши уларнинг ўртача қийматидан $\pm 0,03$ дюйм (0,762 мм) дан ошмаслиги керак.

Тола узунлигини оғиши йўл қўйиладиган қийматдан ортиқ бўлган тойлар толасининг намуналари такрорий синовдан ўтказилади ҳамда тола узунлиги иккала синов натижаларининг ўртача арифметик қиймати каби аниқланади»



Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги) нинг 2004 йил _____ - сонли Қарори билан тасдиқланди ва жорий этилди.

Ўзбекистон «Сифат» маркази Бош директори

У.Е.Устюгин

Бош директорнинг биринчи ўринбосари

Э.Т.Максудов

Метрология, ИТИ ва СН бошқармаси бошлиғи

Р.А.Гуляев

Стандартлаштириш ва МҲ бўлими бошлиғи

Н.Б.Наумова

Стандартлаштириш ва МҲ бўлими бош мутахассиси

С.Г.Круглова

